2012 йил 23 май, чоршанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 101 (12.162)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



***Мамлакатимизда хорижий сармоядорлар билан ҳамкорлик алоқалари йил сайин мустаҳкамланиб бормоқда. Давлатимиз раҳбарининг жорий йилнинг 10 апрелида қабул қилинган «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони мамлакатимизда янада қулайроқ инвестиция муҳитини яратиш, хорижий инвесторлар ва инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун кенг кўламдаги имтиёзлар, афзалликлар ва кафолатлар тизимини янада мустаҳкамлаш, хорижий инвестициялар ва замонавий технологиялар кириб келишини кучайтиришга хизмат қилади.***

### Қўшма корхоналарда

## СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАР

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, қулай бизнес муҳитининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилаётган бундай доимий эътибор натижасида хорижлик шериклар билан ҳамкорликда барпо этилаётган корхоналар сони йил сайин кўпаймоқда. Тошкентда муваффақиятли фаолият юритаётган «Belting rezina» масъулияти чекланган жамияти шулар жумласидандир.

Италия сармояси ҳисобига 2004 йили ташкил этилган мазкур корхона илғор технологиялар асосида турли ўлчамдаги конвейер ленталари, ясси узатма қайишлар, тангенциал ҳамда урчуқ тасмалари ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш билан шуғулланади. «Belting rezina»да тайёрланаётган турли хил ва ҳажмдаги маҳсулотлар юқори сифати, санитария-гигиена ва экология талабларига тўла мослиги ва рақобатбардошлиги билан харидорларга манзур бўлмоқда. Қайд этиш жоизки, авваллари бу каби маҳсулотлар мамлакатимизга хориждан келтирилар эди.

Корхонада ишлаб чиқарилаётган халқаро талабларга мос юқори сифатли маҳсулотлар буюртма асосида харидор талабига ва хоҳишига кўра исталган ҳажмда тайёрланади. «Belting rezina» маҳсулотни етказиб бериш, сервис ва маслаҳат хизмати кўрсатиш каби вазифаларни ҳам бажаради.

Корхонада ишлаб чиқаришга оид бутун технологик жараённи ўн тўрт киши бажаради. Ишчилар учун барча зарур меҳнат ва дам олиш шароити яратилган. Улар Италияда малака оширган.

«Belting rezina» юртимиздаги енгил саноат, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати, логистика, машинасозлик, авиасозлик, ёғочни қайта ишлаш, матбаачилик, гиламдўзлик, фармацевтика каби қатор соҳаларда фаолият юритувчи кўплаб корхоналар, фирма ва компаниялар билан кенг ҳамкорликни йўлга қўйган. Бундан ташқари, корхона Италия, Испания, Франция, Германия, Швейцария каби қатор мамлакатлар ишбилармонлари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

*(Давоми 2-бетда)*

***Тошкентдаги Халқаро савдо марказида 22 май куни савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Австрия қўшма комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.***

## ҚЎШМА КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, банк-молия, озиқ-овқат, қишлоқ ва сув хўжалиги, кимё саноати, электрон маҳсулотлар ишлаб чиқариш, фармацевтика, сайёҳлик каби соҳаларда фаолият кўрсатаётган қатор вазирлик ва идоралари, фирма ва компаниялари вакиллари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг ўринбосари Ш.Тўлаганов мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари кўплаб соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини, мазкур мажлис савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқаларни янада ривожлантириш учун янги имкониятлар очишга хизмат қилишини таъкидлади. Мажлисда глобал молиявий-иқтисодий инқироз туфайли жаҳон бозорида маҳсулотларга талаб пасайиб бораётган бир даврда Ўзбекистонда ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, кооперация алоқаларини мустаҳкамлаш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилаётган эътибор ўзининг юксак самараларини бераётгани алоҳида таъкидланди. Бунда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида узоқни кўзлаб амалга оширилаётган оқилона иқтисодий сиёсат муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон билан Австрия иқтисодий муносабатлари савдо-иқтисодий ҳамкорлик, сармояларни ўзаро ҳимоялаш ва рағбатлантиришга оид битимлар каби қатор ҳужжатларга асосланади. Бу борада мамлакатларимиз ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тизими жорий этилган. Ўзаро сармоявий ҳамкорлик кўлами муттасил кенгаймоқда, мамлакатимизда Австрия сармояси иштирокидаги 31 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар асосан полиграфия, тўқимачилик, пойабзал, фармацевтика, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби соҳаларга ихтисослаштирилган. Австриянинг 10 етакчи фирма ва компанияси юртимизда ўз ваколатхонасини очган.

– Австрия ишбилармонлари Ўзбекистон билан автомобилсозлик, қурилиш, энергетика, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш каби соҳаларда ҳамкорлик ўрнатишга катта қизиқиш билдирмоқда, – деди Австрия Республикаси иқтисодиёт, оила ва ёшлар ишлари федерал вазирлигининг ташқи иқтисодий алоқалар бўйича бош директори Франц Вессиг. – Истиқболда ўзбекистонлик ҳамкорлар билан кўплаб қўшма лойиҳалар устида ишлашни режалаштираяпмиз.

Мажлисда ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Савдо, банк-молия, қишлоқ ва сув хўжалиги, озиқ-овқат саноати, электр техникаси ҳамда сайёҳлик каби соҳалардаги алоқаларни янада кенгайтириш, Австрия компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этиш, қўшма корхоналар сони ва ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини кўпайтириш, ҳамкорликда истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

**Мадина УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири**

### «Умид ниҳоллари – 2012»

## УЛКАН ШАРАФ ВА ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ

***Тошкентда «Умид ниҳоллари – 2012» спорт мусобақаларида иштирок этадиган пойтахт умумтаълим мактаблари ўқувчиларини Навоий шаҳрига кузатиш маросими бўлди.***

Тадбирда Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар халқ таълими, маданият ва спорт ишлари бошқармалари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали вакиллари, ота-оналар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, спортни ривожлантириш, ўғил-қизларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун кенг шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ҳамда Универсиададан иборат уч босқичли узлуксиз спорт ўйинлари соғлом авлодни, халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир спортчиларни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

«Умид ниҳоллари – 2012» мусобақаларида Тошкент шаҳридан 84 нафар ўқувчи спортнинг 11 тури бўйича иштирок этади. Уларнинг 43 нафари қизлар эканлиги мамлакатимизда хотин-қизлар ўртасида жисмоний тарбия ва спорт тобора оммалашиб бораётганидан яна бир далолатдир.

– Барчамиз «Умид ниҳоллари – 2012» спорт мусобақаларига катта ҳаяжон билан йўл оляпмиз, – деди бадиий гимнастикачи, 160-умумтаълим мактаби ўқувчиси Майя Филиппова. – Спорт, гўзаллик ва бирдамлик байрами бўлган «Умид ниҳоллари» мусобақасида иштирок этиш биз учун катта шараф ва юксак масъулиятдир. Бўлажак беллашувларга пухта ҳозирлик кўрдик, ниятимиз – ғалаба қозониш ва кўплаб дўстлар орттириш.

– Акам 2007 йили пойтахтимизда ўтган Универсиадада ғолиб бўлганида унга ҳавасим келган эди, – дейди ЎзА мухбирига қўл тўпи бўйича шаҳар терма жамоаси аъзоси Асадулла Тўлаганов. – Бугун орзуим ушалаётганидан, «Умид ниҳоллари – 2012» спорт мусобақаларининг финал босқичида қатнашиш шарафига муяссар бўлаётганимдан жуда хурсандман.

**Байрам АЙТМУРОДОВ**

## НЬЮ-ЙОРКДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ҚУРИШ СОҲАСИДАГИ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

***Яқинда Нью-Йорк Давлат университетида «Фуқаролик жамиятининг замонавий концепцияси: янги тамойиллар шароитида Ўзбекистон тажрибаси» мавзуига бағишланган брифинг бўлиб ўтди. У давлатчилик тараққиётида фуқаролик жамиятининг замонавий ўрни, Ўзбекистоннинг демократик ўзгаришлар борасида қўлга киритган муваффақиятлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан илгари сурилган мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг асосий мазмун-моҳияти билан боғлиқ масалалар муҳокамасига бағишланди.***

Мамлакатимизнинг БМТ ҳузуридаги доимий ваколатхонаси, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг Нью-Йоркдаги ваколатхонаси ҳамда Глобал илмий чиқишлар маркази (АҚШ) ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда ёш илмий тадқиқотчилар, Нью-Йорк Давлат университети профессор-ўқитувчиларининг вакиллари, ушбу олий таълим муассасасининг талаба ва магистрантлари, шунингдек, Американинг таниқли экспертлари ҳозир бўлдилар.

Ўзбекистон Республикасининг БМТ ҳузуридаги доимий вакили ўз чиқишида республикамиз мустақилликни эълон қилганидан сўнг ўз тараққиёт йўлини танлаб олгани ва бунда мамлакатимизнинг миллий ва тарихий ўзига хосликлари ҳисобга олинганини қайд этди. Жамиятда жараёнлар бошқарилиши самарадорлиги давлат ҳамда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш масалаларида аҳоли барча қатламларининг иштироки ва жалб этилиши даражасига боғлиқдир. Ўзбекистон фуқаролари ўзларининг конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқаришлари орқали давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар.

*(Давоми 2-бетда)*

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

***Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.***

✓ **БУГУН** Республика Болалар кутубхонасида «XXI асрда болалар китобхонлиги: Ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда оила ва кутубхона ҳамкорлиги» мавзуида конференция ўтказилди.

✓ **ЭРТАГА** С.Сирожиддинов номли академик лицейда «Соғлом авлод — соғлом ҳаёт» номли тадбир бўлиб ўтади.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** тарихи Давлат музейида меҳнат жамоаларида фаолият олиб бораётган меҳнаткашлар ва ёшлар ўртасида кўҳна қадриятларни эъзозлаш, тарихий анъаналар бўйича урф-одатларимизни ёшлар онгига сингдириш, миллий фазилатларни тарғиб этиш, уларни бадиий ҳаваскорлик ижодиётига бўлган қизиқишларини ўстириш ва оммалаштириш мақсадида «Ўзбекистон сени куйлайман» номли санъат фестивали бўлиб ўтади.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Андижон шаҳар Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида вилоят ҳокимлиги, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳамда халқ таълими бошқармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят кенгаши ҳамкорлигида «Биз мустақил юрт фарзандларимиз» шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Вилоятдаги умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари иштирок этган фестиваль доирасида «Заковат дарахти» номли викторина ва бошқа бир қатор интеллектуал ўйинлар ўтказилди.**

**● Нукус автомобиль йўл хўжалиги ва сервис хизмати касб-ҳунар коллежида меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими, Нукус шаҳар ҳокимлиги, шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг шаҳар бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда 47 корхона ва ташкилот мавжуд 216 бўш иш ўрни билан иштирок этди.**

**● Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги Ўзбекистон Фанлар академияси «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Материалшунослик институтида «Умид ниҳоллари – 2012» республика спорт мусобақалари машъаласи қуёш нурларидан аланга олдирилди.**

**● Термиз шаҳрида Республика Савдо-саноат палатаси ва Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида бизнес-форум ўтказилди. Тадбир доирасида «Ўзбекистон-Хитой» савдо уйи, «Ўзбеклизинг» компанияси ҳамда «Yilistar», «Chagatay invest», «Viniks» масъулияти чекланган жамиятлари каби мамлакатимиздаги ишлаб чиқариш ускуналари етказиб берувчи корхоналарнинг тақдимотлари ҳамда ускуна ва технологияларининг каталоглар кўргазмаси ташкил этилди.**

### ЖАҲОНДА

**● Кеча Лондон хом ашё биржасида бўлиб ўтган навбатдаги савдолар чоғида Brent русумли нефтнинг нархи 0,40 долларга пасайиб, бир баррели 108,41 долларни ташкил этди.**

**● Японияда дунёдаги энг баланд телеминора «Tokyo Skytree» иш бошлади. Қарийб тўрт йил давомида барпо этилган ушбу телеминоранинг баландлиги 634 метрни ташкил қилади. Унда савдо маркази ва стадион ҳам мавжуд. Шунингдек, сайёҳлар шаҳарни 350-450 баландликда туриб томоша қилишлари мумкин. «Токионинг осмонўпар дарахти» Гиннеснинг рекордлар китобидан жой олди.**

**● Италия шимолида содир бўлган зилзила оқибатида сўнгги маълумотларга кўра ўнга яқин киши ҳалок бўлди, минглаб кишиларнинг турар жойи вайронага айланди, деб хабар беради РАТА-ТАСС. Мамлакатнинг Эмилия-Романья вилоятидаги силкиниш кучи 6 баллни ташкил қилди. Мазкур ҳудуд сейсмик фаол зона ҳисоблангани боис аксарият бинолар табиий офатларга бардошли этиб қурилган. Бироқ, Феррара ва Модена шаҳарларида фавқулодда ҳолат эълон қилинган.**

**● АҚШ олимлари антибиотик препаратлар юрак-қон томир касалликларига чалиниш хавфини оширади, деб таъкидламоқда. Беморлар ўртасида олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, антибиотик – азитромицин қабул қилган элликка яқин одам ҳаётдан кўз юмган, икки юздан зиёдида юрак-қон томир хасталиги ривожланган.**

**● Финляндияда транспорт воситалари ва бекатларда чекишни тақиқловчи қонун қабул қилинди. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, мазкур қонун ҳайдовчи ва йўловчиларга бирдек тааллуқлидир. Қонун ижросини полиция ва соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимлари назорат қилиб боради. Хабарларга қараганда, 2015 йилга бориб мамлакатда тамаки савдосига бутунлай чек қўйилиши мумкин.**

# НЬЮ-ЙОРКДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ҚУРИШ СОҲАСИДАГИ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Ўзбекистонда минг йиллар давомида мавжуд бўлган фуқаролик жамияти институти, яъни маҳалла институти мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритганидан сўнг янада тараққий топгани ва такомиллашгани тадбирда алоҳида қайд этилди. Маълумки, ўзбек халқининг ноёб анъанавий мероси бўлгани ҳолда бу институт маҳаллий ўз-ўзини бошқарув вазифаларини жуда самарали тарзда ҳаётга татбиқ этиб келмоқда.

Тадбир иштирокчилари Ўзбекистонда ҳаётга татбиқ этилаётган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг мазмуни ва моҳияти билан батафсил таништирилди. «Ўзбек модели»нинг беш асосий тамойили шарофати билан мамлакатимиз кейинги 20 йил давомида бозор иқтисодиётига ижтимоий йўналтирилган очиқ демократик давлат қурилишида сезиларли натижаларни қўлга киритгани таъкидланди.

Тадбирда қатнашган айрим америкалик экспертлар ушбу муҳим масалалар юзасидан ўзларининг баҳоларини, фикр ва мулоҳазаларини ўртоқлашдилар.

**Нью-Йорк университетининг профессори П.Порвиж** сўзга чиқар экан, глобаллашув ва универсаллашув жараёнлари кучайиб бораётганига қарамай, турли цивилизацияларнинг, халқлар ва давлатларнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Унинг фикрича, демократия ва қадриятларнинг барча мамлакатлар учун ягона ва универсал моделини зўрлаб сингдиришга интилиш халқлараро ва цивилизациялараро ихтилофларга олиб келиши мумкин.

П.Морвижнинг сўзларига қараганда, мустақилликнинг 20 йили мобайнида Ўзбекистон ўз тараққиёт моделининг самарадор ва муваффақиятли эканлигини амалда исботлади. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида тизимли пасайиш кузатилган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ҳам Ўзбекистон юқори даражадаги иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолгани ҳолда, мамлакат иқтисодиётининг асосий тармоқларининг жадал равишда ривожланишини таъминлашга муяссар бўлгани бунинг яққол мисолидир.

**Мустақил сиёсатшунос Д.Мартин** фикр билдирганидек, Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг мамлакатимизда аҳолининг сиёсий маданияти ва ижтимоий онги даражаси юксалиб бориши кузатилгани ҳолда жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнлари ҳам жадал равишда ривож топиб бормоқда. «Ўзбекистон Президент Ислом Каримов раҳбарлигида босиб ўтган йўлнинг жиддийлиги ва муҳимлиги ҳисобга олинар экан, барча қийинчиликларга қарамай тараққиётнинг «ўзбек модели» ўзининг самарадорлигини исботлади», деди у.

Фуқаролик жамияти ноҳукумат ташкилотларининг ҳар томонлама ривожланиши хусусида сўзлар экан, **Нью-Йорк университетининг профессори А.Кодерман** меҳмонлар эътиборини Ўзбекистонда илмий тадқиқот ишлари, ёшларнинг қўллаб-қувватланиши, хотин-қизлар, санъат сингари жабҳаларни ўз ичига олган ижтимоий соҳада 5100 га яқин ноҳукумат ташкилоти фаолият кўрсатаётгани билан боғлиқ маълумотларга қаратди. Бу кўрсаткич 2000 йилдагига нисбатан икки ярим маротабага кўпдир. Сўнгги 20 йил мобайнида Ўзбекистонда бундай фуқаролик институтларининг ўрни ва аҳамиятини юксалтиришга йўналтирилган 200 дан зиёд қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Нодавлат ва нотижорат ташкилотлар, ижтимоий жамғармалар ва хайрия муассасаларининг фаолиятини кафолатлайдиган қонунлар, А.Кодерман фикрича, Ўзбекистоннинг фуқаролик жамиятини мустаҳкамлаш ва кучли демократик давлат қуриш йўлидан ишонч билан қадам ташлаётганини яққол тасдиқлайди.

Тадбир доирасида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан чоп этилган «Фуқаролик жамияти амалий моделининг варианти» номли янги китобнинг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда фуқаролик жамияти қурилиши борасида тўпланган тажриба тизимли тарзда ўз ифодасини топган. Ушбу янги китоб меҳмонларнинг юксак баҳосига сазовор бўлди.

Брифинг интиҳосида унинг иштирокчилари бундай тадбирларнинг ташкил этилиши АҚШ илмий ва академик доиралари вакилларига Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг тараққиёти ҳақида янада кўпроқ маълумотларга эга бўлишлари учун қулай имконият яратишини қайд этдилар.

**«Жаҳон» АА**
**Нью-Йорк**

---

***Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши қошида тузилган хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси томонидан «Оила — мустаҳкам саждагоҳ» мавзуида уюштирилган давра суҳбати «Ўзбекистон» меҳмонхонасида бўлиб ўтди.***

**Анжуманлар**

# ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИ — ЖАМИЯТ РАВНАҚИ

Тадбирда тармоқ тизимидаги ташкилот, корхона ва муассасаларда хотин-қизлар билан ишлаш комиссияларининг раислари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ва бошқа соҳа вакиллари иштирок этди.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси эксперти Жамила Шермуҳамедова, оилашунос Маҳбуба Мирҳамидова, сиёсий фанлар доктори Эътибор Султонова, фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг катта мутахассиси Насиба Нажмиддинова ва бошқалар сўзга чиқиб, мамлакатимизда олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг мазмун-моҳияти оналар, фарзандлар ва қарияларни ижтимоий муҳофаза қилиш, оилалар тинчлигини барқарорлаштириш, соғлом муҳит яратиш, ёш оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, оила фаровонлиги ва хотиржамлигида аёлнинг ўрни мавзуларида тўхталиб ўтдилар.

— Мамлакатимизда оила ва уни ҳар томонлама мустаҳкамлаш, энг устувор вазифалардан биридир, — дейди Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими бошлиғи Шаҳодат Тўлаганова. — Бунинг ёрқин исботи сифатида жорий йилнинг «Мустаҳкам оила йили» деб номланишини юртимизнинг барча аҳолиси катта-ю кичик, ёшу қари томонидан кўтаринки кайфиятда қабул қилинишида ҳам кўриш мумкин. Оилаларда соғлом муҳитни шакллантириш, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни қарор топтириш, маънан ва жисмонан баркамол фарзандларни тарбиялаш асосий мақсад экан, бу борадаги эзгу ишлар ўтаётган ҳар бир кунимизда, саъй-ҳаракатларимиз мисолида ўз ифодасини топмоғи лозим. Оила ҳар бир инсоннинг энг эзгу маскани ҳисобланади. Ҳеч ким ўзини бошқа ерда оиласидаги каби хотиржам ва хушбахт ҳис этмайди. Оиланинг барқарорлиги ва тинчлиги унинг моддий таъмин этилганлиги билан бир қаторда ижтимоий ҳаётда тутган ўрни, унда улғаяётган фарзандларимиз камоли ва жамиятимизга қўшаётган ҳиссаси билан ҳам белгиланади. Эзгу иш ва хайрли амал инсонни доимо саодатга бошлайди. Юртбошимиз айтганлардиек: «Оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарордир». Шундай экан, оила мустаҳкамлигини таъминлаш, уни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Зеро, оилаларимизнинг хотиржамлиги жамиятимиз тараққиёти ва равнақи, давлатимизнинг мустаҳкамлигининг гаровидир.

**Гули ЧЕҲРА**

---

**Диққат: танлов!**

# БОСМА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ ЎРТАСИДА «МУСТАҲКАМ ОИЛА — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ» РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИ

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 27 февралда қабул қилинган қарори билан тасдиқланган «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурининг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Бадиий академияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ва бошқа бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда босма оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида «Мустаҳкам оила – жамият таянчи» мавзуида энг яхши мақолалар ва фотоасарлар республика танловини эълон қилади.*

**Танловга тақдим этиладиган мақолалар ва фотосуратларда:**

– Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Бизнинг йўлимиз – демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир» маърузасида, 2012 йил 27 февралда қабул қилинган «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури тўғрисида»ги Қарорида белгиланган вазифаларнинг жойлардаги ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлар ва уларнинг амалдаги самараларини атрофлича ёритиш;

– жамиятимизнинг асоси бўлмиш оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, оилаларни, айниқса, ёш оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасида жойларда олиб борилаётган ишларни кенг ёритиш;

– жамиятимиз ва кундалик ҳаётимизда маҳалла институтининг ролини янада кучайтириш ва мақомини ошириш, «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури мақсад ва вазифаларини ҳаётга татбиқ этишда маҳалла ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари аҳамиятини, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда шакллантиришда уларнинг ролини кучайтириш, ёш оилаларга зарур кўмак ва ёрдам бериш борасида амалга оширилаётган ишларни ёритиш;

– жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини ошириш, мустаҳкам, соғлом оилани шакллантиришда жамоат ташкилотлари, жумладан, касаба уюшмалари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан амалга оширилаётган ишларни кенг ва сифатли ёритиш;

– оддий одамларнинг қалби ва онгига етиб борадиган, уларнинг руҳи ва кайфиятини кўтарадиган, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг онги ва шуурига оиланинг муқаддаслиги, оилани мустаҳкамлаш, оила қуриш ва бу борадаги бурч ва масъулиятни тизимли равишда сингдириш, уларни меҳнатда, ўқишда ва ҳаётда янги марралар сари илҳомлантирадиган таъсирчан усуллардан фойдаланиш шарт.

*Танловга 2012 йил давомида матбуотда эълон қилинган Мустаҳкам оила йилига бағишланган мақолалар ва фотосуратлар қабул қилинади. Танловга тақдим этилган мақолалар ўнтадан, фотосуратлар ўн бештадан кам бўлмаслиги керак. Фотосуратларнинг электрон нусхаси ҳам тақдим этилиши шарт.*

***Танловга ижодий ишлар 2012 йил 1 ноябргача қабул қилинади.***

***Танловга тақдим этилган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:***

– муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;

– иш жойидан ёки Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг вилоят бўлимидан тавсиянома;

– муаллифнинг паспорти нусхаси;

– муаллифнинг боғланиш телефонлари.

*Танлов ғолиблари ва совриндорлари махсус дипломлар ва пул мукофотлари билан тақдирланадилар.*

*Танлов ғолиблари ва совриндорларига мукофотлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллик байрами арафасида топширилади ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.*

*Ижодий ишлар «Мустаҳкам оила – жамият таянчи» республика танловига, деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:*

**100 000, Тошкент шаҳри,**
**Буюк Турон кўчаси, 41-уй.**
**Ўзбекистон Миллий**
**ахборот агентлиги – ЎзА.**
Телефонлар: 233-71-49; 233-68-13; 233-21-42.

---

# СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАР

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

«Belting rezina» маҳсулотларига талаб катта бўлгани боис ишлаб чиқариш ҳажми йилдан йилга ошмоқда. 2011 йилда ушбу кўрсаткич 2010 йилга нисбатан икки баравар ўсди. Жорий йилда корхонада ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш кўзда тутилган.

Ҳозирги кунда корхона маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур хомашёни импорт қилади. Мамлакатимиз корхоналари ўртасида тобора мустаҳкамланиб бораётган кооперация алоқалари «Belting rezina» масъулияти чекланган жамияти учун ҳам катта имкониятлар яратмоқда. Жумладан, ушбу корхона хомашёни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бўйича «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси билан музокара олиб бормоқда.

– Айни кунларда Жанубий Корея ишбилармонлари билан тўқимачилик саноатида қўлланиладиган янги турдаги қайишлар ишлаб чиқаришга оид лойиҳа устида иш олиб бораяпмиз, – дейди «Belting rezina» масъулияти чекланган жамияти бош директори Сайфулла Қосимов. – Мамлакатимизда хориж сармояси иштирокида тузилган корхоналарнинг фаол иш юритиши, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариши ва хизмат кўрсатиши йўлида яратилган қулай сармоявий муҳит ва кенг имкониятлар, айниқса, кенг солиқ ва божхона имтиёзлари берилгани муваффақиятларимизнинг асосий омили бўлмоқда. Мақсадимиз ана шу имкониятлардан самарали фойдаланиб, ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш ва маҳсулотлар турини янада кўпайтиришдан иборат.

**Ирода УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири**



Аъло Абдуллаев (ЎзА) олган суратлар

---

***Тошкент Ахборот технологиялари университетида Юнусобод туманида жойлашган олий ўқув юртлари талабаларидан ташкил топган жамоалар ўртасида «Мустаҳкам оила йили» ва «Халқаро оила куни»га бағишлаб, Юнусобод тумани Маънавият ва маърифат Кенгаши, Маънавият тарғибот маркази туман бўлими, «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси, туман Қизил Ярим Ой жамияти, туман ФХДЁ бўлими, «Оила» маркази, Маданият ва спорт ишлари туман бўлими, «Камолот» ЁИҲ туман Кенгаши ҳамкорлигида «Оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор» шиори остида беллашув ўтказилди.***

**Ўқув муассасаларида**

# ТАЛАБАЛАР БИЛИМ-КЎНИКМАЛАРИНИ НАМОЙИШ ЭТИШДИ

Тадбирни уюштиришдан асосий мақсад жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини ошириш, оиланинг таълим муассасалари билан ўзаро амалий ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш, яқин ва самарали ҳамкорлигини таъминлаш, жамиятимиз маънавий негизларини янада ривожлантириш, азалий миллий қадриятларни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш, жамиятимизда юксак маънавий муҳитни кенг қарор топтириш, миллий менталитетимизга ёт бўлган ва кучайиб бораётган турли хил зарарли таъсирларга қарши туришда оиланинг ўрни ва аҳамиятини ҳамда ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг бўш вақтларини унумли ва сермазмун ташкил этиш асносида иқтидорли ва истеъдодли ёшларни рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш, маҳоратини ошириш ҳамда уларнинг ўз салоҳиятларини намоён этишига кўмаклашишдан иборат.

Беллашув тўртта шартдан иборат бўлиб, унинг биринчиси «Бизнинг гуруҳ бир оила» деб номланган «Танишув» шарти бўлди. Бу шартда гуруҳларга оилага мос ном берилган бўлиб, ушбу ном изоҳланди ҳамда жамоа аъзолари оиладаги вазифаларини кўрсатган ҳолда ўзларини таништирди. Бу шартни жамоалар мусиқий, шеърий тарзда бажардилар.

Иккинчи шарт «Соғлом оила — жамият тараққиёти гарови» деб номланган «Савол-жавоб» шарти эди. Бу шартда талабаларнинг билим ва кўникмалари, уларнинг Ўзбекистон Республикаси «Оила кодекси»да мавжуд ҳуқуқ-нормалар тўғрисидаги билимлари, ёшларнинг оилага бўлган муносабати, оила тўғрисидаги тушунчалари, оилада эркак ва аёл ўрни, оилани мустаҳкамлашга бўлган муносабатлари аниқланди. Гуруҳларга ФХДЁ туман бўлими, «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси, Қизил Ярим Ой жамиятлари томонидан тайёрланган 3 тадан савол берилди

Беллашувнинг учинчи шартига асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 27 февралдаги Қарорига илова «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурининг тегишли бандига мувофиқ Олий ўқув юртлари талабалари, касб- ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчиларини оила ҳаётига тайёрлаш мақсадида «Сиз оилангиз учун масъулсиз», «Ёш оилада ўзаро муносабатлар» деб номланган мавзуларда саҳнавий кўринишларни намойиш этишди.

Беллашувнинг тўртинчи шартига кўра, «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурининг 113-бандида белгиланган «Оилавий тўйлар ва маросимлар», «Оила ёшлар нигоҳида» мавзуларида миллий анъана ва қадриятлар, азалий удумлар акс эттирилган ҳолда мусиқий чиқишлар намойиш этилди.

Муросасиз ва қизғин беллашув якунида ҳайъат аъзолари Тошкент Давлат юридик институтининг «Адолат» жамоасини 1-ўринга, Тошкент Ахборот технологиялари университетининг «Соғлом авлод» жамоасини 2-ўринга, Тошкент Молия институтининг «Янги авлод», Тошкент Педиатрия-тиббиёт институтининг «Ижодкорлар оиласи» жамоаларини 3-ўринга лойиқ деб топишди. Ғолиб жамоалар дипломлар ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**У. ҲУСАИНОВ,**
**Тошкент Давлат юридик институти «1-ҳуқуқ» факультети декан ўринбосари**

# САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

**2012 йил — Мустаҳкам оила йили**

## САЛОМАТЛИК МЕЗОНЛАРИ

***2012 йилнинг Мустаҳкам оила йили деб номланиши, аҳоли саломатлигини сақлашда, айниқса ёш оилаларнинг ҳаётида муҳим ўрин тутади, десак муболаға қилмаган бўламиз. Жорий йилда 23-оилавий поликлиника жамоаси томонидан ҳам кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.***



— Поликлиникамиз Учтепа тумани бўйича ёш келин-куёвларни оила қуришлари олдидан тиббий кўрикдан ўтказиш масалаларига қатъий ёндашиб иш олиб бормоқда, — дейди бош шифокор Мунира Шаҳобова. — Шифокорларимиз нафақат уларни тиббий кўрикдан ўтказиш, балки кейинги ҳаётларида асқотадиган маслаҳатлар ва йўл-йўриқларни бериб бориш билан бирга, мунтазам равишда ёшлар учун маҳаллалар ҳамкорлигида турли тадбирларни ҳам ташкиллаштирмоқда. Ёш оналарга эътибор, уларнинг соғлиқларини назоратга олиш, оилада соғлом фарзанд дунёга келишини таъминлаш, турли юқумли хасталикларни вақтида эмлаш борасида амалга оширилаётган ишлар натижасида, оналик ва болаликнинг бахтли ва соғлом ҳаёти мужассамдир. Айниқса, Абдулла Қодирий, Журжоний, Юсуф Саккокий, «Бешқайрағоч», «Оқтепа», «Давлатобод» маҳаллалари билан ҳамкорликда ўтказилаётган тадбирлар, нафақат оналар ва болалар, балки барча фуқаролар саломатлигини мустаҳкамлаш ва яхшилашга, турли юқумли касалликларнинг олдини олишга қаратилди.

Дарҳақиқат, поликлиника барча қулайликларга эга бўлган тиббий муассаса ҳисобланиб, айни пайтда 9 та маҳаллани қамраб олган.

Айни пайтда, поликлиника ўрамидаги 4385 та хонадонда 7454 та оила истиқомат қилади. 2010 йилда 778 та ёш оила, 2011 йилда 862 ёш оилалар ҳисобга олиниб, шундан 2010 йилда 3362 нафар, 2011 йилда 3194 нафар ёшлар тиббий кўрикдан ўтказилди.

Ҳар ойнинг иккинчи ҳафтаси саломатлик куни деб эълон қилиниши муносабати билан, маҳаллаларда истиқомат қилувчи ўсмир қизларнинг 1059 нафари ультратовуш, флюрография текшируви ва клиник таҳлиллардан тўлиқ ўтказилди. Ишловчи ва туғиш ёшдаги аёллар учун ҳам махсус кунлар белгиланиб, яъни якшанба куни саломатлик ҳафталиги ичига киритилиб, аёлларнинг тиббий кўрикдан ўтишлари учун шароит яратиб берилмоқда.

Оила қураётган ёшлар билан шифокорлар томонидан давра суҳбатлари ташкил қилинмоқда. Ижтимоий касалликлари аниқланган келин-куёвларга касалликнинг никоҳ ва оиладаги оқибатлари батафсил тушунтирилмоқда. Оилада тиббий маданиятни ошириш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мавзуидаги тадбирлар, ҳар ойда мунтазам равишда маҳаллалар ҳамкорлигида ўтказилмоқда.

**Гулнигор САТТОРОВА**

**23-Оилавий поликлиника фаолиятидан лавҳа**
**Козим Ўлмасов олган сурат**

**Танловлар**

## ШИФОКОР-ИЖОДКОР

***Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг 80 йиллиги муносабати билан ташкил қилинган танлов юқоридаги мавзуга бағишланди.***

Унда институтнинг моҳир профессорлари, фан номзодлари, ўқитувчилари, аспирант ва ҳамширалари куй, қўшиқ, рақс, дизайн, фото, маданият, санъат соҳасидаги кўп қиррали иқтидорларини намойиш қилдилар.

Айниқса, танловни институт ансамбли ижросидаги «Дилхирож» куйи, рақсида педиатрия факультети декани, профессор Хадича Муҳамедова ва терапия факультети декани Феруза Ҳамрабоева билан очиб берилиши, томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

— Ушбу танлов илк бор ўтказилмоқда, — дейди институтнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича масъул ходими, танловнинг бадиий раҳбари Нодира Маматова. – Яқинда ўқув масканимизнинг ташкил қилинганига 80 йил тўлади. Ушбу шонли сана муносабати билан янгилик яратишга ҳаракат қилдик. Тиббиёт соҳасида самарали меҳнат қилаётган касбдошларимизнинг санъат йўналишидаги иқтидорларини кўришнинг ўзи бир қувонч. Бу танлов нафақат институтимиз миқёсида, балки кейинчалик бошқа институтларда ҳам оммалашиб борса ажаб эмас. Зеро, таниқли тиббиёт профессорлари томонидан мумтоз оҳангларнинг янграши, дилбар рақсларнинг ижро этилиши кишини ҳайратга солади. Бу санъатнинг нақадар улкан куч эканлигини ва ҳар бир қалбда мустаҳкам ўрнашганини англатади. Чунончи, касбимиздан фарқли ўлароқ бошқа соҳага йўналтирилган истеъдодларни кўришнинг ўзи ҳам бир қувонч.

Дарҳақиқат, «Шифокор-ижодкор» кўрик-танловини томоша қилар экансиз, тиббиёт соҳасида фаолият юритиб, ўз соҳасининг усталарига айланган шифокорларнинг санъат йўналишидаги чиқишларига ва уларнинг беназир иқтидорларига таҳсинлар айтгингиз келади.

Танловда «Энг ноёб овоз» соҳиби сифатида Гран При совринини қўлга киритган юқумли касалликлар кафедрасининг профессори Фарҳод Комилов томонидан Бобур ғазали билан айтиладиган «Сочингнинг савдоси тушди бошима» қўшиғининг жонли тарзда куйланиши барчани қойил қолдирди.

Танлов сўнггида, тиббий хизмат полковниги, институт ректорининг ёрдамчиси Иброҳим Беков «Мустаҳкам оила йили» мавзусининг энг яхши ижодкори, «Тафаккур мулкининг боғбони» номинациясида ички касалликлар ва фармакотерапия кафедрасининг профессори Шомурод Носиров, «Томошабинлар меҳрини қозонган ижодкор» йўналишида урология кафедрасининг мудири Асилбек Асадов, «Кўп қиррали ижодкор» йўналишида профессор Жуманазар Бекназаров, «Долзарб муаммони кўтарган ижодкор» мавзусида болалар асаб касалликлари кафедрасининг доценти Мактуба Ғуломова, «Ёшликни эслатган қўшиқ» номинациясида наркология кафедрасининг клиник ординатори Маърифат Ғаниева ва бошқалар ўзига хос совринларни қўлга киритдилар.

Жумладан, «Энг фаол иштирокчи», «Энг яхши фотоижодкор», «Энг яхши рақс устаси», «Аёллар кийимининг устаси», «Замонавий ижод устаси», «Моҳир пазанда», «Энг яхши рақс гуруҳи» номинацияларида ҳам ғолиблар аниқланди.

— Институтнинг қутлуғ юбилейи арафасида ташкил қилинган бу танлов тиббиёт соҳасида ўзига хос янгилик бўлди, десам адашмайман, — дейди Врачлар малакасини ошириш институти ректори, профессор Жўрабой Собиров. – Асосий вазифамиз инсон саломатлиги йўлида хизмат қилишдир. Бинобарин, кишилар соғлиғини тиклаш, яхшилаш, муҳофазалаш ва асраб-авайлаш борасида, мутахассис кадрлар билимини ошириш ҳам биринчи галдаги вазифаларимиздан ҳисобланади. Менимча, курраи замин бўйича бизнинг давлатчалик халқига ғамхўр, меҳрибон юрт бўлмаса керак. Биргина «Соғлом она — соғлом бола» мавзусига бағишланган Халқаро симпозиумнинг ўтган қисқа вақт ичида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимидаги аҳамияти ҳам бунинг тасдиғидир. Зеро, дунё экспертлари томонидан ҳам юксак баҳоланган оналар ва болалар саломатлиги муҳофазаси бугунги кунда юртимизда ўз тасдиғини топмоқда. Тиббиётчилар устидаги оппоқ халат, уларнинг қалб тозалиги билан уйғунлашиб кетиши лозим. Бу танлов маънавияти юксак, юқори маданиятли ва шахс саломатлиги йўлида сидқидилдан хизмат қилаётган тиббиёт ходимларининг яна бир иқтидори кашфиёти, очилмаган қирраси ҳосиласининг бир кўринишидир.

Ҳа, инсон соғлиғини муҳофазалашдек долзарб вазифани ўз зиммасига олган шифокорларнинг самарали меҳнатлари таҳсинга лойиқ. Бинобарин, санъат соҳасидаги ноёб иқтидорларини халқ кўз ўнгида намоён қилиб олқишларга сазовор бўлиш ҳам уларнинг ўта зукко, изланувчан ва ҳар қандай ишга лаёқатли эканликларини исботлаб берди.

Танлов сўнггида ғолиблар қимматбаҳо совғалар ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

***Маълумки, мустақиллик йилларида яратилган шароитлар туфайли юртимиз тиббиёти жадал ривожланмоқда ва бунинг натижасида турли касалликларни даволаш ҳамда олдини олиш борасида сезиларли натижаларга эришилди.***

## ОНКОЛОГИК ХАСТАЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРАЛАРИ — АМАЛДА

Лекин, эришилган ютуқлар билан бир қаторда шифокорлар олдида ҳали яна кўплаб муаммолар турибдики, улар ўзининг долзарблиги билан ўзига йилдан-йилга муҳим эътиборни тортмоқда. Ана шундай муаммолардан бири — онкологик касалликлар билан оғриган беморлар сонининг ортиб бориши, оғир хасталик натижасида ўлим кўрсаткичининг юқори ўринларни эгаллаб туриши ва халқимиз ўртасида онкологик ҳушёрликнинг қониқарли даражада эмаслигидир. Хусусан, 2011 йил бошига келиб республикамиз бўйича жами 96765 онкологик бемор ҳисобга олинган бўлиб, шундай касалликлар билан курашиш айни вақтда республикамиз миқёсида кенг кўламда олиб борилмоқда ва бу борада асосий ишлар онкологик муассасалар, хусусан, Тошкент шаҳар онкология диспансери (ТошШОД) томонидан амалга оширилмоқда. Айни кунда ушбу муассаса ходимлари томонидан Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг бевосита раҳбарлиги остида бажарилаётган бир қанча ишлар ўзининг самарасини бермоқда. Жумладан, ТошШОД муқобили бўлмаган замонавий илғор тиббий радиология анжомлари ва малакали мутахассислар билан таъминланиши билан бир қаторда онкологик касалликларнинг олдини олиш ва даволаш натижаларини яхшилаш юзасидан қуйидаги йўналишларда иш олиб бормоқда.

Биринчидан, диспансер ходимларининг доимий равишда малакасини ошириш, хорижий онкологик муассасалардаги ютуқлар билан танишиш ва уларни амалиётга татбиқ қилиш, илмий изланишлар асосида янги даволаш услубларини ишлаб чиқиш ва клиник амалиётга жорий этиш.

Иккинчидан, Тошкент шаҳридаги барча оилавий поликлиникалар ва туман тиббиёт бирлашмаларидаги врач-онкологлар малакасини ошириш, уларни янги диагностика усуллари билан таништириш.

Учинчидан, аҳоли ўртасида онкологик ҳушёрликни ошириш юзасидан тарғибот-тушунтириш ишларини олиб бориш.

Тўртинчидан, шаҳримиз аҳолиси ўртасида онкологик хасталикларни эрта аниқлаш ва малакали даволаш самарасини ошириш мақсадида онколог кўрикларни ўтказиш.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, ҳозирги кунда ходимларнинг профессионал савиясини кўтариш борасида илғор онкологик клиникаларда тажриба алмашиш йўлга қўйилган бўлиб, сўнгги йил ичида жами 20 га яқин шифокор ва ўрта тиббиёт ходимлари ўз малакаларини оширганлар.

ТошШОД ходимлари касалликларни даволаш ва профилактикаси юзасидан эришилган ютуқлар ва онкология муаммоларига бағишланган мавзуларда 2010-2011 йиллар давомида 6 та илмий-амалий симпозиум ва конгрессларда фаол иштирок этдилар.

Юқоридаги ишларнинг амалга оширилиши натижасида сўнгги 10 ой ичида онкологик хасталикларни эрта даражаларда аниқлаш ишлари яхши йўлга қўйилди ва улардан клиник ўлим кўрсаткичи қарийб 4 баробар камайди. Ўз навбатида касалликнинг эрта даврларидаёқ ташхис қўйиш ва радикал даволаш ишларининг яхшиланиши натижасида беморларга комплекс ва комбинирланган даво кўрсатиш усулларининг қўлланилиши сони ортди. Энг муҳими, ушбу оғир хасталиклар билан оғриган беморларнинг билиб-билмай турли ноонкологик муассасаларга мурожаат қилишлари ва натижада нотўлиқ даво олишлари ёки касалликнинг улғайиб кетиши каби ҳолатларнинг сезиларли даражада камайишига эришилди.

**А. ЮСУПБЕКОВ,**
**тиббиёт фанлари доктори,**
**М. ҒОФУРОХУНОВ,**
**тиббиёт фанлари доктори, профессор**

**Биласизми?**

## КИШИ ФЕЪЛИНИ ҚОН ГУРУҲИ БЕЛГИЛАЙДИ

***Сўнгги маълумотларга кўра, қон гуруҳи одамларнинг характеридаги ўзига хос хусусиятларни белгилайди. Бу фикрни япон олими Пошитаке Номининг минглаб кишилар ҳаётини ўрганиши натижасида олган маълумотлари ҳам тасдиқлайди.***

Пошитаке Номи фикрича, қон гуруҳлари бўйича кишиларнинг характерлари қуйидагича:

**I гуруҳ:** Сиз лидерликка ўчсиз. Олдингизга қўйган мақсадга эришмагунча тинчимайсиз. Олға ҳаракат қилишда тўғри йўналиш белгилай оласиз. Ўз кучингизга ишонасиз, лекин эҳтирослардан ҳам холи эмассиз. Бундан ташқари, сиз жуда иззатталабсиз.

**II гуруҳ:** Сиз мувозанат, осойишталик ва тартиб-интизомни яхши кўрасиз. Одамлар билан яхши ишлай оласиз. Бундан ташқари, Сиз таъсирчан, маданиятли ва очиқ кўнгилсиз. Сизнинг камчиликларингиз ўжарлигингиз, асабларни бошқара олмаганингизда.

**III гуруҳ:** Сиз шаклланган шахсиятпараст, ўз хоҳиши бўйича иш қилувчисиз. Ҳамма нарсага тез мослаша оласиз, хаёлпарастликдан узоқсиз. Лекин сизни ўзбошимча иш қилишингиз баъзи вақтда ҳалақит бериши мумкин.

**IV гуруҳ:** Сиз тинч ва хотиржамсиз. Кишилар сизни севадилар ва сиз билан ўзларини эркин ҳис қиладилар. Уларнинг вақтини чоғ қилишни биласиз ва бир вақтда атрофдагиларга одобли ва адолатлисиз. Лекин айрим вақтларда қизиққонсиз, баъзан эса, узоқ вақт иккиланиб, бир қарорга келишга қийналасиз.

**Абдуваҳҳоб ТОҲИРИЙ,**
**Тошкент врачлар малакасини ошириш институти катта ўқитувчиси**

## ПОЙТАХТ ГЎЗАЛЛИГИ БОЛАЖОНЛАР НИГОҲИДА

***Ёшлар ижод саройида «Шаҳрим баҳори» номли бадиий кўргазма очилди.***

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ташаббуси билан ташкил этилган кўргазма гўзал ва бетакрор пойтахтимиз – Тошкентга бағишланди. Унда Ёшлар ижод саройи қошида фаолият олиб бораётган Арт-бюро «Колибри» бадиий студиясида таҳсил олаётган болалар ўз асарлари билан иштирок этди.

Жажжи кичкинтойлар томонидан яратилган ижодий ишларда баҳор фаслида гўзал шаҳримизнинг бетакрор кўриниши ёрқин рангларда тасвирланиб, унда кенг ва тоза кўчалари, боғ ва сайилгоҳлари, қувноқ болалар, уларнинг ота-оналари, бувижон ва буважонлар, севимли ҳайвонлар, ўйинчоқлар сурати акс эттирилган.

Арт-бюро раҳбари Ольга Яикованинг таъкидлашича, мазкур ижодий тўгаракда кўп йиллар давомида истеъдодли болалар санъатнинг турли йўналишларида машғулотлар олиб бориб, уларга рангтасвир ва амалий санъатдан сабоқ берилади. Бу ерда кўплаб болалар сувбўёқ, гуашь техникасида ажойиб расмлар ишлаш, пластилин, қоғоз, матога нақш босиш каби ишларни завқ ва шавқ билан бажаришади. Яратилган асарларни кичкинтойлар ўз қўллари билан нозик безайдилар.

Қадим ва ҳамиша навқирон пойтахтнинг бой тарихий ва маданий меросини тарғиб этиш орқали ёшлар қалбида Ватанга муҳаббат, садоқат туйғуларини кучайтириш, шаҳримиздаги мисли кўрилмаган ўзгаришлар, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини тарғиб этиш, ўғил-қизларнинг иқтидор ва истеъдодларини юзага чиқаришда «Шаҳрим баҳори» номли бадиий кўргазмаси муҳим аҳамият касб этади.

Кўргазма давомида кичкинтой рассомларнинг Тошкент мавзусида тасвирий санъатнинг барча турлари ва жанрларида яратган янги ижодий ишлари, пойтахтимиз тарихининг турли қирраларини ва замонавий ҳаётини ёритиб берувчи рангтасвир, графика ва ҳайкалтарошликнинг энг сара асарлари барчада катта қизиқиш уйғотди.

Таъкидлаш жоизки, Арт-бюро «Колибри» бадиий студияси дизайн ва мода мактаби бўлиб, 2009 йилда Ёшлар ижод саройи қошида ташкил этилган. Мактаб «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг «Болажонлар-ширинтойлар» каби йирик лойиҳаси ва кўплаб бадиий кўргазмаларида фаол иштирок этади. 2008 йилда «Колибри» тарбияланувчилари Фонд Форум кўмаги остида «Spring express» тўплами билан Москвада 18 мамлакатдан 2000 дан ортиқ иштирокчиларни жамлаган «Очиқ Европа» фестивалида иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритган. Бундан ташқари, студия «Болажонлар-ширинтойлар» болалар мода фестивали, Москвада ўтказиладиган «Мода ассамблеяси» халқаро танловининг бир неча карра лауреатидир.

— Мен тўрт йилдан буён Арт-бюро «Колибри» бадиий студияси машғулотларида фаол қатнашиб келаман, — дейди 10 ёшли қизалоқ Сабина Айткалиева. — Танловда ўзимнинг «Гўзал пойтахтнинг гавжум бозорлари» номли расмлар тўпламим билан иштирок этдим. Унда шаҳримиздаги бир-биридан ажойиб ноз-неъматларга лиммо-лим бозорлар, у ерда савдо қилаётган бағрикенг ва соддадил инсонлар тасвирини акс эттирганман.

Кўргазма 28 майга қадар давом этади.

**Азима ҚИЁСОВА,**
**«Туркистон-пресс»**

**Таълим**

## БАРКАМОЛ АВЛОД — ВАТАН ФАХРИ

***Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ва «Шарқ аёли» жамоат фонди томонидан мактаб таълимини ривожлантиришда жамоат ташкилотлари иштироки ҳамда бу йўналишдаги ижтимоий ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига бағишланган анжуман ўтказилди.***

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси раисининг ўринбосари Н.Миродилова, «Шарқ аёли» жамоат фонди раиси С.Турсунбоева ва бошқалар ёшларни ҳар жиҳатдан баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, уларнинг ижодий-интеллектуал салоҳияти ва маънавиятини юксалтириш мамлакатимиз таълим тизимининг пировард мақсади эканини таъкидлади. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида замонавий билим масканларини барпо этиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳага илғор ахборот технологияларини жорий қилиш, педагогларнинг касб малакасини юксалтириш борасида амалга оширилган кенг кўламли ишлар ўзининг катта самараларини бермоқда.

Ёшларнинг билим ва малакасини янада юксалтириш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришда жамоат ташкилотлари ҳам фаол иштирок этмоқда. Хусусан, «Шарқ аёли» жамоат фонди томонидан бир қатор умумий ўрта таълим мактабларида амалга оширилаётган «Баркамол авлод – Ватан фахри» лойиҳаси илғор ўқувчиларнинг турли фанлар бўйича чуқурлаштирилган билим олишига кўмаклашиш, ўқув жараёнига таниқли олимлар, экспертлар, мутахассисларни жалб этиш, иқтидорли болаларни ўз вақтида аниқлаш ва рағбатлантириш каби эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

– Мактабимизда «Баркамол авлод – Ватан фахри» лойиҳаси бир неча йилдан буён муваффақиятли ўтказиб келинмоқда, – дейди Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманидаги 64-мактаб директори Машҳура Шоисломова. – Мазкур лойиҳа ўқувчиларимизнинг қизиқиши ва интилиши, лаёқатини аниқлаш, уларни турли ихтисосликлар, касб-ҳунарга йўналтиришда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Анжуманда ўқув фанларини муваффақиятли ўзлаштираётган ўғил-қизларга сертификатлар топширилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

**Спорт янгиликлари**

## РАСУЛОВ БРАЗИЛИЯГА БОРАДИ

***Мухлисларнинг ёдида бўлса, 2010 йилда Жанубий Африка Республикасида футбол бўйича уюштирилган жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз,ФИФА рефериси Равшан Эрматов бешта учрашувни бош ҳакам сифатида бошқарган ва ўзига хос рекорд ўрнатган эди.***

Дарвоқе, сўнгги жаҳон чемпионатида Эрматовга қанотларда ҳамюртимиз Рафаэл Илёсов ва қирғизистонлик Баҳодир Қўчқоров ёрдам берган эди. Бирмунча муддат аввал 2014 йили Бразилияда футбол бўйича ўтказиладиган жаҳон чемпионатига бориши мумкин бўлган бош ҳакамларнинг рўйхати эълон қилинганлиги ҳақида хабар бергандик. Унга кўра Равшан Эрматов 2014 йилда Бразилия яшил майдонларида яна бош ҳакам сифатида учрашувларни бошқаради. Куни кеча Халқаро футбол уюшмаси (ФИФА) томонидан бош ҳакамларга ассистентлик қилувчи реферилар номи ҳам маълум қилинди. Қувонарли жиҳати шундаки, Ўзбекистон чемпионати ҳамда қитъа миқёсидаги учрашувларда Равшан Эрматовга кўмак бериб келаётган қанот ҳаками Абдуҳамидулло Расулов ҳам Бразилияда ўтадиган жаҳон чемпионатида иштирок этадиган бўлди. Равшан Эрматовга Бразилия яшил майдонларидаги учрашувларда Абдуҳамидулло Расулов билан бирга қирғизистонлик Баҳодир Қўчқоров ҳам қанот ҳаками сифатида ёрдам беради.

Шунингдек, яна бир юртдошимиз, ФИФА рефериси Валентин Коваленко ҳам Бразилияга бориши мумкин бўлган заҳира ҳакамлари қаторидан жой олди.

## РАҚИБЛАР МАЪЛУМ

***Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида футбол бўйича 16 ва 19 ёшгача бўлган футболчилар ўртасида Осиё чемпионати бўлиб ўтади.***

Яқинда Осиё футбол конфедерацияси томонидан БААда уюштириладиган Осиё чемпионатига қуръа ташлаш маросими ташкил этилди.

Қуръа натижаларига кўра Дилшод Нуралиев бош мураббийлигидаги 16 ёшли Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоамиз «Д» гуруҳида ҳиндистонлик, суриялик, хитойлик тенгқурларига қарши ғолиблик учун кураш олиб боради.

## ҚИТЪА ЧЕМПИОНИ БИЛАН БИР ГУРУҲДА

***Бирлашган Араб Амирликларида футбол бўйича 19 ёшгача бўлган футболчилар ўртасида уюштириладиган Осиё чемпионатида Ватанимиз шарафини Аҳмаджон Мусаев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ҳимоя қилади.***

Осиё футбол конфедерацияси ташаббуси билан ёшлар ўртасида ўтказиладиган Осиё чемпионатига қуръа ташлаш маросими якунларига кўра ёшлар терма жамоамиз «С» гуруҳидан ўрин эгаллади. Осиё чемпионатида муваффақият қозонишни ният қилган Аҳмаджон Мусаев шогирдлари «С» гуруҳида КХДР, Вьетнам, Иордания ёшлар терма жамоаларини мағлуб этишлари керак. Эслатиб ўтамиз, гуруҳда мамлакатимиз ёшлари амалдаги Осиё чемпиони КХДР терма жамоасига рўбарў келишади.

***Футзал бўйича Бирлашган Араб Амирликларида уюштириладиган Осиё чемпионатида иштирок этадиган Ўзбекистон терма жамоаси Испанияга жўнаб кетган эди.***

## УЧРАШУВЛАР, НАТИЖАЛАР

Осиё чемпионатида зафар қучишга аҳд қилган хорижлик мутахассис Мендез бош мураббийлигидаги Ўзбекистон терма жамоаси Испанияда ўқув-йиғин машғулотларида иштирок этди. Машғулотлар доирасида икки марта маҳаллий клублар билан Ўзбекистон терма жамоаси футзалчилари ўртасида ташкиллаштирилган назорат-ўртоқлик учрашувлари маҳорат мактаби вазифасини ўташи аниқ.

Дастлабки баҳсда футзалчиларимиз «Баргас» жамоасига 1:4 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйган бўлсаларда, «Гвадалахара» билан кечган иккинчи учрашувни 5:3 ҳисобида ўз фойдаларига ҳал эта олишди.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**



***Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали, Шайхонтоҳур тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, «Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамияти ҳамда «Камолот» ЁИҲ туман кенгашлари хайрли ташаббусга қўл уришди. Шайхонтоҳур туманидаги «Камолон» маҳалласида жойлашган «Жаҳонгир ҳожи ота» болалар спорт майдончасида Тошкент шаҳридаги умумтаълим мактабларида таълим олаётган 11-13 ёшли ўқувчилар ўртасида мини-футбол бўйича мусобақалар ўтказилди.***

## «ҲУВАЙДО» — МУСОБАҚА ҒОЛИБИ

Вояга етмаган ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, жисмонан соғлом ва баркамол авлодни камол топтириш, спортнинг оммавий турларига ёшларни кенг жалб қилиш, оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлигини янада кучайтириш, соғлом авлод — соғлом жамият дастурини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида уюштирилган мусобақаларда 120 нафар ёш футболчиларни ўзида жамлаган 12 та жамоа ғалаба учун кураш олиб борди.

Яккасарой туманидан «Бошлиқ», «Қушбеги», Шайхонтоҳурдан «Камолон-1», «Камолон-2», «Ҳувайдо», «41-умумтаълим мактаби», Юнусобод туманидан «Юнусобод» болалар жамоалари шулар жумласидандир.

Турнирда болалар ғалабага бўлган кучли интилишни намоён этишди. Бинобарин, беллашувлар ҳам кескин ва муросасиз курашларга бой тарзда ўтди.

Финал ўйинида қатнашиш ҳуқуқини «Ҳувайдо» ва «41-умумтаълим мактаби» жамоалари қўлга киритди. Ушбу баҳсда ғолиб чиққан «Ҳувайдо» командаси чемпион номини қўлга киритди. Фахрли учинчи ўрин эса «Камолон» жамоасига насиб этди.

Мини-футбол мусобақасининг ғолиб ва совриндорларига ташкилотчилар томонидан ажратилган эсдалик совғалари топширилди.

**Дилмурод ИСМОИЛОВ**

**СУРАТЛАРДА: мусобақадан лавҳалар**

**Козим Ўлмасов олган суратлар**



# Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур

## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

### ШАРҚ ҲИКОЯТ ВА РИВОЯТЛАРИ

**Ишинг юришган сари кайфиятинг ҳам кўтарилади.**

* * *

**Айтилган жойга бор,**
**Айтилмаган жойда нима бор?**

* * *

**Кўнгли қора кимса ҳамманинг таъбини хира қилиб яшайди.**

* * *

**Кимнинг табиати хурсандчилик, кимнинг табиати хафагарчиликка мойил бўлади.**

* * *

**Инсон феълидаги ёмонлик,**
**Ўзига ҳам бермас омонлик.**

* * *

**Кимнинг бўш табиати,**
**Бузилар тарбияти.**

* * *

**Бировга ишониб қолган ёмон.**

* * *

**Ҳижрон чин муҳаббатни баттар алангалатиб, сохта севгини ўлдириб юборади.**

* * *

**Кимки ишонмаса ўзига,**
**Ишонар ҳар кимнинг сўзига.**

* * *

**Ҳақиқатпарастлик ҳам кўпинча бирор манфаатдан холи бўлмайди.**

* * *

**Муттаҳамга тенг бўламан десанг, сен ҳам муттаҳам бўлишинг керак.**

* * *

**Кўнгилни изтироб поклайди, тавба тозартиради.**

* * *

**Кўнгил ёш бўлса, вужуд қаримайди.**

* * *

**Ёмон кунларни эслагинг келмайди, яхши кунларни унутгинг.**

* * *

**Яхшилигингдан бировлар фойдаланишади-ю, ёмонлигинг ўзингга қайтади.**

* * *

**Инсон табиати, иродаси икки ҳолатда синовдан ўтади: биринчиси – ишлари юришганда ҳаволаниб кетмаса, иккинчиси – омади келмаганда ўзини йўқотмаса.**

* * *

**Кимнинг аслида кимлиги қалтис вазиятларда билинади.**

* * *

**Ҳаётнинг ҳар қадами имтиҳон.**

* * *

**Нодоннинг нодонлигини кечириш мумкин, лекин нодонликча қолишни афзал кўришини кечириб бўлмайди.**

* * *

**Инсонни жисмоний қийинчиликлардан кўра руҳий азоблар кўпроқ чарчатади.**

* * *

**Гап нишабини ҳамма ўзига фойдали томонга буради.**

* * *

**Одам таниш учун фаросат керак.**

* * *

**Майда-чуйда ишлар кўп вақтни олади-ю баракаси бўлмайди.**

**(Давоми бор)**

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган**

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 3 майдаги 25/37-сонли хабарнома талаблари ижросини таъминлаш ҳамда ёнғин, газдан заҳарланиш, портлаш каби бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида 2012 йил 10 майдан 10 июнгача «Газдан хавфсиз фойдаланиш ойлиги» ўтказилмоқда.***

**Газдан хавфсиз фойдаланиш ойлиги**

## ТАҲЛИЛЛАР НИМАНИ КЎРСАТАДИ?

Қаерда эҳтиёткорлик бўлмаса, ҳар қандай донолик ҳам ёрдам бермайди. Шу боис ҳам фалокатдан сўнг ҳаракат қилгандан кўра унинг олдини олиш чораларини кўрмоқ лозим. Ахир бежизга, фалокат оёқ остида, дейилмайди. Ана шу маънода хавфсизлик ойлигидан кўзланган асл мақсад 2012-2013 йил кузқиш мавсумига тайёргарликни кўнгилдагидек амалга ошириш, газ ускуналарини техник кўрикдан сифатли ўтказиш, истеъмолчиларга газдан хавфсиз фойдаланиш қоидаларини тушунтириш ишларини олиб бориш, газдан нотўғри фойдаланиш оқибатида содир бўладиган нохуш ҳолатларнинг олдини олишдан иборатдир.

«Газдан хавфсиз фойдаланиш ойлиги»дан ҳамшаҳарларимизни хабардор этиш мақсадида, «Газдан хавфсиз фойдаланиш» юзасидан 4000 та эслатмалар чоп этилди ва шу кунгача уларнинг аксарият қисми туманлардаги маҳалла қўмиталари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати, ўқув масканлари, одамлар гавжум жойларга жойлаштирилди. «Хавфсизлик ойлиги»ни муваффақиятли ўтказишда барча тумангаз хизмати ходимлари фаол иштирок этиб, ҳамшаҳарларимиз ўртасида газдан хавфсиз фойдаланиш, тежамкорликка муҳим аҳамият қаратиш бўйича тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришмоқда. Бунинг учун ўқув муассасаларида, корхона, ташкилот ва маҳаллаларда йиғилишлар ўтказилиб, тумангазларнинг масъул ходимлари томонидан маърузалар қилиниб, суҳбатлар ўтказилмоқда.

«Газдан хавфсиз фойдаланиш ойлиги»ни ўтказиш давомида 167 та маҳаллада суҳбатлар ўтказилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, барча туманларда газдан заҳарланиш, ёнғин ва бошқа нохуш ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида, ёнғин хавфсизлиги ва тумангаз хизмати ходимлари ўзаро ҳамкорликда хусусий хонадонлар, кўп қаватли уйлар, корхона ва муассасаларга бориб рейдлар ўтказиши ҳам яхши натижа бермоқда. Ҳозирги вақтда баъзи хонадон эгалари ва хусусий тадбиркорлар томонидан ўзбошимчалик билан газ тармоғига уланиш ва газ асбобларини ўрнидан бошқа жойга кўчириш, резина ичаклардан фойдаланиш ҳолатлари учрамоқда. Резина ичаклар газнинг таъсирида ёрилиши ва бундай ҳолатлар бахтсиз ҳодисаларга сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун ўзбошимчалик билан газ асбобларини газ тармоғига улаш, бошқа жойга кўчириш тақиқланади.

Тузилган гуруҳлар ўтказган тадбирлар давомида 1998 та табиий газ истеъмолчилари кўрикдан ўтказилиб, 48 та ноқонуний истеъмолчилар аниқланди. Шулардан: 26 та резина ичак орқали уланишлар, 22 та ўзбошимчалик билан уланишлар аниқланиб, далолатномалар асосида газ тармоғидан узиб қўйилди ва газдан ноқонуний фойдаланмасликлари бўйича огоҳлантиришлар берилди. Ҳозирги кунда ўзбошимчалик билан газ тармоғига уланган истеъмолчилар томонидан келтирилган моддий зарарни ундириш ишлари амалга оширилмоқда.

2012-2013 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш бўйича чора-тадбирлар белгиланган бўлиб, шу кунга қадар режадаги ишлар бўйича дастурга кирган 3 км. ер ости ва 3 км.ер усти газ қувурларини мукаммал таъмирлаш лойиҳалари тайёрланди, 42 та юқори босимли, 589 та ўрта босим ГТПлар техник тафтишдан ўтказилди, 5 дона босим созлагичлар алмаштирилди, 22 та ГТПлар таъмирланди, 357 та шкафли ГТПлар бўялди, 46 км. ер ости газ қувурлари босим остида зичликка синовдан ўтказилди, 514 км. ер ости газ қувурлари асбоблар ёрдамида текширувдан ўтказилди. 1091 км.ер усти газ қувурлари тикланди ва 53,5 км ер усти газ қувурлари бўялди, 6 дона зулфинлар таъмирланиб, 17 дона зулфинлар ҳамда 89 дона кранлар алмаштирилди.

Шу кунгача Тошкент шаҳрида жами 546177 та хонадон газлаштирилган бўлиб, булардан 138788 таси хусусий, 407389 таси кўп қаватли уйлардаги хонадонлардир. Уларни узлуксиз ва хавф-хатарсиз «зангори олов» билан таъминлашда 101 та юқори босимли ва 1934 та ўрта босимли газ тартиблаш мосламалари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Азиз ҳамшаҳарлар! «Хавфсизлик ойлиги»ни ўтказишда фаол иштирок этишингиз ва газ асбобларидан тўғри ва оқилона фойдаланишни, уй шароитида газ асбобларидан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига қатъиян риоя қилишни эсдан чиқармаслик лозим. Энг муҳими, бебаҳо бойлигимиз, беминнат дастёримиз «зангори олов»ни тежаб-тергашга, исрофгарчилигига йўл қўймасликка эътибор қаратиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Халқимиз «Ўт балоси, сув балосидан, бевақт фалокатдан асра» дея бежизга айтмайди. Бу ҳар биримизга боғлиқ бўлиб, лоқайд ва эътиборсизликка йўл қўймаслигимиз яхши самара беради, бахтсиз ҳодисалардан асрайди.

**Миржалол ЗУФАРОВ,**
**«Тошкентшаҳаргаз» филиали бош муҳандиси**

**ЎЗГИДРОМЕТ**
UZHYMET
ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **24 майда** ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 15-17 даража илиқ, кундузи — 32-34 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **24 майда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бироз йиғилишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз кўпайиши тахмин қилинмоқда, тагмиқдори паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9229

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 541

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 9483 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 14.30

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

1 2 3 5